



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 2 ноябрь, № 221 (6915) Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ижрочи директори Юрий Федотовни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистоннинг БМТ, унинг тузилмалари ва институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани ва мустақамланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Президенти жорий йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади, сессия доирасида ташкилот раҳбарияти билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

ноятчилик ва халқаро терроризм-даги ишларни янада кучайтириш мақсадлари атрофида қўриб чиқилди. БМТ Бош котиби ўринбосари Юрий Федотов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор қилди.

лади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида баён этилган ташаббусларнинг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилгани алоҳида таъкидланди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

ЮРИЙ ФЕДОТОВ: ЎЗБЕКИСТОН НАРКОТИКЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Мамлакатимизда наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

агентлиги муҳбирга қуйдагиларни гапириб берди: — Аввало, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдираман. Бу жуда муҳим учрашув бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини чуқур таҳлил қилиб берди. Бундан биз мамнунмиз.

Шавкат Мирзиёев билан бугунги учрашув якуларидан келиб чиққан ҳолда, ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш бўйича қўшимча ҳужжатлар тайёрлаш, яъни "йўл харитаси"ни белгилаб олиш, муҳокама қилинган таклиф ва ғояларни илчил амалга оширишга келишиб олдик.

Ёш халқаро гроссмейстерга Президентимиз совғаси топширилди

Шахмат бўйича катталар ўртасида амалдаги жаҳон чемпиони, норвегиялик Магнус Карлсен халқаро гроссмейстерлик унвонини 13 йил 4 ой 27 кунлигида қўлга киритиб, бундай мавқога эрта эришган шахматчилардан бири сифатида тарихга кирган эди. Яқинда унинг ушбу ҳаракатини Ўзбекистонлик ёш иқтидор эгаси томонидан янгилади.

ЭЪТИБОР

Жорий йил 31 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустақамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Нодирбекнинг мазкур натижаси алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р. Қурбанов, Ўзбекистон шахмат федерацияси вице-президенти Х. Турдалиев ва бошқалар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сўбасининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлашди.

Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери: «ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МИНТАҚАСИДА ВА ДУНЁДА САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ДАВЛАТ ҲИСОБЛАНАДИ»

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикасида амалга оширган давлат ташрифи чоғида ушбу мамлакат олий қонун чиқарувчи органи — Буюк миллат мажлисида ҳам бўлиб, унинг Спикери Исмомил Қахрамон билан учрашди.

Маъмур учрашув низоъсига етганидан сўнг Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери "Жаҳон" ахборот агентлигининг Анқарадаги муҳбири саволларига жавоб берди. Қуйида мазкур суҳбатнинг матни эътиборингизга ҳавола этилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идоралари ушбу тахминин тасдиқламоқда. Соёпов Сайфулла Хабибуллаевнинг 1988 йил 8 февралда Тошкентда туғилган. 2005 йили касб-хуна қоллежини тамомлаган, 2005 — 2009 йиллари эса Тошкент молия институтини ўқиган.

С. Соёпов иши тўғрисида

Жорий йил 31 октябрь куни Американинг Нью-Йорк шаҳрида террорчилик хуружи содир этилди, 29 ёшли Ўзбекистон фуқароси Сайфулла Соёпов уни амалга оширганликда гумон қилинмоқда.

С. Соёпов АҚШда бўлиши даврида Ўзбекистоннинг дипломатия ваколатхоналарида консуллик хисобида турмаган, ҳолбуки, амалдаги юридик меъёрларга мувофиқ, консуллик хисобида туриши лозим бўлган.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришда қандай аҳамият касб этиши ҳақида фикрларингизни билишни истар эдик...

Президенти бизнинг мамлакатга ташриф буюришдан беҳад мамнунимиз. Бу ташриф биз учун узок қутилган тарихий воқеа бўлди. Ишончим комилки, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларни тимсолида бутун Ўзбекистон биз билан ўзаро алоқаларни мустақамлашди, дўстлигимиз чуқурлашди.

С. Соёпов АҚШда бўлиши даврида Туркиянинг дипломатия ваколатхоналарида консуллик хисобида турмаган, ҳолбуки, амалдаги юридик меъёрларга мувофиқ, консуллик хисобида туриши лозим бўлган.

Сайфулла Соёпов одамови бўлиб қолган, радикал гуруҳларнинг тасвири остига тушган. Бу ҳолда Америка ОАВ ҳам уни билган одамларнинг фикрларига таяниб шундай хабар берди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

4. Дастурни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Урмон хўжалиги давлат қўмитаси илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда идоравий мансублиги бўйича тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари;

Илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лабораторияларини замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш, ёш олимларнинг ётақчи хорижий илмий марказларда қисқа мuddатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун — Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси хузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини оғиб ва лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасаларини оғиб ва лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун — тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқа муассасаларининг ўз маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича уларни оғиб ҳамда лаборатория мебели билан жиҳозлаш учун тегишли илмий-тадқиқот муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоятга етказилгандан сўнг ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган тақлифлари бўйича, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Дастурда кўзда тутилган объектларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш учун капитал маблағлар лимитларини назарда тутсин.

6. Дастурда кўзда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш доирасида: "Inkom kapital qurilish" инжиниринг компанияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси объектлари бўйича буюртмачи; "Сувкурилизинвест" ДУК — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи;

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи;

"Урмонлоиҳа" ДУК — Ўзбекистон Республикаси Урмон хўжалиги давлат қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи; танлов савдолари натижалари бўйича ташкилотлар — бош лойиҳачи ва пудратчи этиб белгилансин.

7. Буюртмачилар лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартиб ва мuddатларда ишлаб чиқишини, ваколатли давлат экспертиза органларида кўриб чиқишини ва келишиб олинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

8. Дастурни амалга оширишда шахсий жавобгарлик: тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш бўйича барча ишларнинг сифатли ва ўз мuddатда бажарилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамғармаси раиси О. Ж. Раматов зиммасига;

назарда тутилган барча тадбирларнинг, шу жумладан, илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш ишларининг ўз мuddатда ва тўлиқ ҳажмда молиялаштирилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

9. Фан ва технологиялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тасарруфда илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясига Республика иқтисодиёти тармоқларининг аниқ муаммоларини ҳал қилиш, рақобатбардор, илмий ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган, қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2022 йилларда Давлат комплекс мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари концепциясини киритсин:

Фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини — Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига давлат илмий-техника дастурларини молиялаштириш учун бюджетдан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, халқаро молия институтлари,

ташкilotлар ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг илмий тадқиқотларни молиялаштириш, таъмир-тадқиқот ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, илмий-техник ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этишдан манфаатдорлигини тўдан ошириш чора-тадбирлари.

10. Белгилаб қўйилсинки: давлат илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига (илмий ходимлардан ташқари) бюджет ташкилотлари ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари жорий этилади;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб вазирлик ва идораларнинг гуманитар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга давлат илмий-тадқиқот муассасалари бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади;

Базавий молиялаштириш субъектлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг Молия вазирлиги билан келишилган тақлифларига биноан Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимиз раҳбарининг академиклар ва илм-фан зейлилари билан 2016 йилнинг декабрида ўтказган учрашуви, шунингдек, 2017 йил 17 февралда «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли қарорининг қабул қилиниши республикада илмий-техник фаолиятни ривожлантиришда кенг қўламдаги тизимли ўзгаришларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Утган давр мобайнида илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимини тўдан такомиллаштиришга қаратилган 35 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та Фармони ва 8 та қарори қабул қилинди. Фанлар академияси таркибидagi 9 та илмий-тадқиқот институти қайта тикланди, қатор илмий муассасалар қайта тузилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши, Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси фаолияти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янги ҳақиқий аъзолари (академиклари)нинг сайлови бўйича ташкилий ишлар олиб боришмоқда.

Илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Олий таълим ва

илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лаборатория ҳамда кафедралари, илмий кенгашлари, вазирлик ва идоралар, турли даражадаги экспирт ҳамда илмий-техника кенгашларидан иборат кўп тармоқли илмий-ташқилий инфратузилма фаолият олиб бормоқда.

Бу ишларнинг барчаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий тадқиқот ҳамда инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институти хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш белгиланган.

Шу билан бир қаторда, сир эмаски, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-техник салоҳияти, кадрлар билан таъминланганлиги, моддий-техника, лаборатория ва таъмирлаш базасининг ҳозирги ҳолати мамлакатимизнинг юқори суръатлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига жавоб бермайди. Ватанимиз илм-фани рақобатдошлигини ошириш ва уни дунёнинг энг ривожланган давлатлари илм-фани даражасига мослигини таъминлаш масалалари кескинлигини сақлаб қолмоқда. Илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш тизимида ҳал қилиниши лозим бўлган айрим муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника ва лаборатория-тажриба базасини мустаҳкамлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан фан ва инновация соҳасида 6 та устувор йўналиш бўйича 40 дан зиёд тадбирларни ўз ичига олган 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Иқтидорли ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш учун зарур шароитларни таъминлаш мақсадида, докторантурада ўқиш учун мақсадли квоталарни ажратиш амалиётини жорий қилиш чоралари назарда тутилган ҳамда илмий кадрларнинг академик мобиллигини ошириш ва уларнинг илмий ютуқларини қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш белгиланган.

Шунингдек, илмий фаолият ҳамда таълим жараёни интеграциялашувини янада чуқурлаштириш бўйича мақсадли чораларни амалга ошириш, бунда илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходим ва мутахассисларини олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига кенг жалб қилиш, магистрлик диссертацияларининг дастлабки химоясини

амалиёт ўталган муассасаларда ўтказиш тартибини жорий этиш кўзда тутилган. Амалий чораларнинг яна бир муҳим йўналиши, республика илмий муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотлар савиясини юксалтиришга, уларни халқаро талабларга кўра илмий халқаро базалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Илмий-тадқиқот муассасаларида мавжуд ҳамда янги тузилаётган илмий лабораториялар илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан илмий ҳамда лаборатория ускуналаридан биргаликда фойдаланиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Лицензион келишувлар бўйича илмий ва инновацион ишланмаларнинг тижоратлашув жараёнларини фаоллаштириш мақсадида, илмий ҳамда инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг патент-лицензион фаолиятини такомиллаштириш, интеллектуал мулк объектларига муаллифлик қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш чоралари белгиланган.

Қарорга мувофиқ, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб гуманитар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ҳамда иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади.

Мазкур қарор билан режалаштирилган тадбирлар доирасида 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаларида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари, 40 та илмий-тадқиқот

муассасасини замонавий илмий лабораториялар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган. Бунда лабораторияларни сарфланувчи материаллар ва реактивлар билан узлуксиз таъминлашга сарфланмаган харажатлар алоҳида назарда тутилган.

Умумий қийматда, 2018 — 2021 йилларда Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Урмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-тадқиқот муассасалари бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш учун 116 миллиард сўмдан зиёд, замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, зарур материаллар ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминлаш учун 32,2 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Қориди қайд этиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакатимиз илм-фани ва иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлидаги тизимли қадамларнинг мантқий давоми бўлиб, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақиятли ижросига хизмат қилади.

Мазкур дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши илмий-тадқиқот муассасалари имкониятларини салмоқли даражада кенгайтириш, улар бажараётган тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар даражаси ҳамда сифатини ошириш имконини беради ва пировард натижада мамлакатимиз илмий-технологик салоҳиятини янада мустаҳкамлайди.

Ёш халқаро гроссмейстерга

Президентимиз совфаси топширилди



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш амалидир. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барчага гурур-ифтихор бағишлайди.

Айтиш жоизки, жорий йилда соҳага доир 20 дан ортиқ ҳужжатлар — Президентимизнинг фармойиши ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Бу ҳам давлатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганидан далolat беради.

Юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида ушбу йўналишда ҳам сифат ўзгаришлари сезилмоқда. Шу йилнинг утган даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан 483 та олтин, 394 та кумуш, 536 та

бронза, жами 1 минг 413 та медаль қўлга киритилгани бунга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, 10 августдаги «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишлари кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерагини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорлари ҳам мазкур жаҳда равнақида алоҳида ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда барча спорт тури қатори шахмат ривожига ҳам кенг имконият яратилган. Ҳар йили турли мусобақалар ташкил этиш янги аънаанага айланган. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ёзи дам олиш масканларида шахмат тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, «Таниш чеҳралар»,

«Тошкент қиши», «Тошкент оупен» турнирлари, ўсимлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида янада тобланишда. Узига ҳос бундай ноб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз вакиллари эришаётган ютуқларда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Мана бу рақамларга бир эътибор беринг-а: собиқ иттифок даврида Ўзбекистонда атиги бир нафар халқаро гроссмейстер бор эди. Бугун эса уларнинг сони Нодирбекнинг ютуғини қўшиб ҳисоблаганда, 15 нафарга етди. Шунингдек, 21 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 28 нафар FIDE устаси, 125 нафар Ўзбекистон спорт устаси ва 2000 нафарга яқин спорт усталлигига номзод шахматчиларимиз турли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини химоя қилишяпти.

Нодирбек Абдусаторов тўрт ёшида отаси ва амакиларининг шахмат ўйинларини кузатиб, юришларни ўзи ўрганиб олган.

— Унга ҳеч биримиз «манави от, у мана шундай юради, буниси рух, у

бундай юради», деб ўргатмаганмиз, — дейди ёш халқаро гроссмейстернинг отаси Фазилиддин Очилов.

Нодирбек 5 ёшида спорт усталлигига номзод бўлиб, ўзига ҳос рекорд ўрнатган бўлса, 8 ёшида яна бир рекордни янгилади — FIDE устаси бўлди.

Нодирбекнинг нуфузли халқаро турнирлардаги ютуқларига жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари доимо алоҳида эътибор қаратиб келади. Масалан, бундан икки йил аввал lavanguardia.com сайтидаги мақолада «Нодирбек Абдусаторов: Магнус Карлсен ҳукмронлигини таҳликага солган 11 ёшли ўзбек даҳоси» ёки eschiquier-bordelais.fr сайтида эса «Абдусаторов: навбатдаги шахмат қиролими?» деган фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

У 2012 йилда Словениянинг Марибор шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсимлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб бўлди.

2014 йилда Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳри мезбонлик қилган дунё биринчи-

лигида кумуш медални қўлга киритди.

2016 йилда Россиянинг Сочи шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати доирасидаги блиц — тезкор шахмат мусобақасида Нодирбек биринчи ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 20 — 29 октябрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида шахмат бўйича бўлиб ўтган аънаваный халқаро турнирда 360 нафар шахматчи қатнашди. Нодирбек 5 та баҳсда галаба қозониб, 3 та партияда дуранг қайд этди. Натижада 6,5 очко жамғарган ёш шахматчимиз умумий рейтинг очколари яна 17,9 балл қўшиб олди. Бу кўрсаткич билан у халқаро гроссмейстерлик унвонининг учинчи меъёри талабини бажарди.

— Президентимизнинг спортга, биз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган улкан эътибори ва гамхўрлигидан миннатдоримиз, — дейди Нодирбек Абдусаторов. — Ҳали орзуларим кўп. Уларнинг энг улкани катталар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритишдир. Юртбошимизнинг совфаси мени мақсадим сари янада юксак марраларга руҳлантиради.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МИНТАҚАСИДА ВА ДУНЁДА САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ДАВЛАТ ҲИСОБЛАНАДИ»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлган учрашув чоғида Ўзбекистон ислом маданиятининг маркази эканлигини эътироф этдингиз. Бу фикрингизни кенгроқ ифодалаш учун яна қандай жиҳатларни тилга олган бўлар эдингиз?

— Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, ислом дунёсининг маданият марказидир. Динимизнинг муқаддас шахарлари сифатида кўпчилик Макка ва Мадинани билади. Улардан бошқа кутлуг кентлар ҳам мавжуд, албатта. Ана шундай муҳим шахарлар сирасида Бухоро, Самарқанд, Қудуд ва Истанбулни кайд этиш жоиздир. Бироқ Бухоронинг ўрни бошқача. Чунки бу шахар илму ирфон маркази, маърифат уюғидир, тевақаратрофи ёритган, нурга тўлдирган, илм-фаннинг тараққий топишига беқисс хисса қўшган бир зийл маскани, инсониятга хизматлари сингган буюк олимларни етиштирган улуг шахардир. Ер юзига зиё таратган бу кент, шубҳасиз, муборак маскан ҳисобланади. Бухородаи заманда яшаш катта бир саодатдир.

Асосий билимлар Фарбга Шарқдан борган, Шарқнинг тамаддун бешиги

эса Бухоро ва Самарқандда яратилган. Бундай шахарларга эга бўлган, юксак маънавиятли мутафаккирларнинг авлоди, толеи баланд ўзбек халқи жуда ҳам бахтлидир.

Кўплаб туркияликлар ушбу муқаддас қадамжолар, мақбара ва мадрасалар зиёратига боришни орзу қилишди. Утмишдаги тазйикларга қарамадан, ислом дини Ўзбекистонда сақланиб қолди ва ривожланди.

Бугунги кунда дунёда нотўғри, бузғунчи бир тушунчани яратишга, исломофобия, яъни исломдан қўрқиб хиссини одамлар онгига сингдиришга қаратилган уриниш кузатишда. Аслида, террорнинг дини йўқ, миллати йўқ. Террорчилик инсониятга қарши жиноятдир.

Бухоро ва Самарқандда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг маънавий мероси билан ёвуз гоиларни, турли кучларни, жаҳолатни енгиш мумкин.

Бухоро мадрасалари кўплаб улмоқларни етиштирган, улар дунёнинг тўрт томонига илму маърифат тарқатганлар. Биз буюк алломалар ёдини ҳар доим миннатдорлик билан хотирлаймиз. Аллоҳ ўтган аждодларимизни ўз раҳматига олсин, уларнинг хотирасини абадийлаштиришга шароит

яратаётган давлат раҳбарларига муваффақиятлар тилаймиз.

— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат учун жуда муҳим бўлган ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тажрибали сиёсатчи сифатида бу ислохотларнинг қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бераётганини кузатишда. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатлардаги ижобий силжиш жуда муҳим жараён. Ўзбекистон ўз аҳолисининг сони, илм-фан ва тараққиётининг юксак даражаси, шунингдек, барқарор ривожланишдаги ўрни нуктаи назардан минтақадаги муҳим давлат саналди. Мухтарам Президентнинг саъй-ҳаракатлари, шубҳасиз, ижобий натижаларини беради. Хулоса тариқасида шунки таъкидлашни истардим: Президентларимиз Режеп Таййип Эрдоғун ва Шавкат Мирзиёев каби икки етакчининг бир-бирига қўл беришлари ўта муҳим тарихий воқеадир. Бу ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида ҳал қилувчи омил сифатида беқисс аҳамиятга эга.

«Жаҳон» АА. Анқара

«Халқ қабулхоналари — самарали ва шаффоф тизим»

Жиззахга ташриф буюрган германиялик экспертлар шундай эътироф этишмоқда.

Президентимиз ташаббусига кўра, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил қилиниши аҳоли муурожаатлари билан ишлашда ортикча расмиятчилик, сансалорлик каби иллатларни бартафос этишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, мазкур тузилма фуқароларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликларни самарали ҳал этиш имконини бераётир. Қола-

верса, у юртимиз ҳудудларидаги ҳақиқий ҳолатни холисона ўрганишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Яқинда германиялик бир гуруҳ экспертлар Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхоналарида бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан ақиндан танишдилар. Ўз саволларига мутахассислардан атрафлича жавоб олдилар. Шунингдек, муурожаат қилиб келган фуқаро-

лар билан суҳбатлашиб, Халқ қабулхоналарининг қанчалик самарали фаолият қўрсатаётганилиги билан қизиқдилар. — Юртнингизда йўлга қўйилган халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги тизими — Халқ қабулхоналари фаолияти бизда катта таассурот уйдотди, — дейди профессор Герта Дюблер-Гмелин. — Бу ердаги ходимларнинг фуқаро-

ларга бўлган муносабати устидан ҳам назорат ўрнатилгани диққатга сазовор. Бу ҳар томонлама самарали ва шаффоф тизимдир. Шунингдек, учрашув жараёнида меҳмонларга эркин иқтисодий зоналар, жалб этилаётган хоржий инвестициялар тўғрисида ҳам атрафлича маълумот берилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Давлат бюджети ижроси — депутатлар муҳокамасида

Мамлакатимизни яқин беш йил мобайнида бешта устувор йўналиш бўйича жадал суръатда ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясидаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда, ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлашда асосий молиявий ҳужжат — Давлат бюджетининг муҳим ўрни бор.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтаётган сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил тўққиз ойлигидаги ижроси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тиклишни» демократик партияси фракцияси йиғилишида қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Маълумки, шу йилнинг 14 январидан Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ҳамда жадал тараққий топтириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида ўтган тўққиз ойда янги ички маҳсулот ҳажми 105,3 фоиз ўсди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар соҳасида барқарор ривожланиш кузатилди. Биргина тайёр тўқимачилик ва тиквтрикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари учун 32 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилиб, юзлаб иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, ҳисобот

даврида Давлат Бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилиб, янги ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз микдорда профити билан бажарилган.

Фракция аъзолари шулар ҳусусида сўз юритар экан, Давлат бюджет ҳаражатларининг ижтимоий йўналтирилганини алоҳида айтиб ўтишди. Жумладан, республикамизда мавжуд 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда инновацион марказлар учун 171 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Айни пайтда шахар ва қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизациялаш борасидаги кенг қўламли ишлар ҳалқимиз турмуш даражасини юксалтириш имконини беради.

Йиғилишда мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмининг изчил ошаётгани, аҳоли харид қобилиятининг тобора ортиб бораётгани янги ички маҳсулотнинг ўсишида халқ қилувчи аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Айниқса, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгариш, ишлаб чиқаришга энг илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш жаҳон майдонида

миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси «Миллий тиклишни» демократик партиясининг дастурий мақсадларига уйғундир.

Депутатлар бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиёти ҳамда бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ва резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кайд этилганидек, ҳисобот даврида ижтимоий соҳани молиялаштириш учун Давлат бюджетидан умумий ҳаражатларнинг 54,8 фоизи миқдоридан маблағ сарфланган. Бу янги ички маҳсулотга нисбатан 11,4 фоизни ташкил қилади.

Хусусан, биринчи навбатда, таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини кучайтириш масалаларига аҳамият қаратилгани фракция аъзолари томонидан эътироф этилди. Бинобарин, ижтимоий ҳаражатларнинг 59,5 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ҳамда уларни ривожлантиришга йўналтирилган. Мақтабга таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари учун ҳам салмоқли миқдорда маблағ ажратилган.

Шунингдек, «Адолат» СДП сайловоди дастуридан ўрин олган, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлаш, соҳани давр талабларига ҳамоханг ра-

вишда равнақ топтириш мақсадларига йўналтирилган тегишли маблағлар ижроси ҳам депутатлар диққат-эътиборида бўлди. Соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш боробарида, турли касалликлар профилактикаси борасидаги амалий ишлар таҳлил қилинди.

2017 йилнинг тўққиз ойида айнан профилактика хизматлари учун соҳага ажратилган маблағларнинг 31,1 фоизи сарфланган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида фуқароларга арзон нархларда зарур дори-дармонларни етказиб бериш йўлга қўйилди ҳамда бунинг учун Давлат бюджетидан тақсимланган маблағлар 2016 йилнинг мос давридагига нисбатан 1,9 баробар ортди.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари тиббий хизматлар қўлами ва сифатини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида ўтган уч чорада юртимизда хусусий тиббий тиббиёт масалаларига аҳамият қаратилганини алоҳида айтиб ўтишди. Чунки шундан 3 минг 860 тадан ошгани, тез тиббий ёрдам станцияси ҳамда кичик станциялар 2 минг 100 тага етганини айтиб ўтишди. Шу билан бирга, бюджет маблағларининг соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича мақсадли сарф этилиши устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш зарурлигига ургу берилди.

Фракциялар йиғилишлари якунида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА.

ЗАМОНАВИЙ КЛАСТЕРЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳар бир килограмм тайёр маҳсулотга ўртача 25 килограмм чиқинди тўғри келар экан. Агар глобаллашув жараёни жадаллиги, аҳоли сонининг тобора ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, бу ҳолат ҳар қандай давлат учун жиддий муаммо туғдириши, шубҳасиз. Мутахассисларнинг фикрича, чиқиндиларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, утилизация қилишнинг замонавий усуллари амалиётга кенгроқ жорий этиш орқали вилоятдаги юмшатиш мумкин.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мазкур масала 32 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Ўзбекистон учун ҳам бегона эмас. Минглаб ишлаб чиқариш корхоналари ва ижтимоий соҳа муассасалари фаолият юритаётган мамлакатимизда бир йилда ўртача 5 миллион тоннадан ортиқ чиқинди ҳосил бўлади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб, мазкур кўрсаткич 7 миллион тоннага етиши кутилапти. Бу тегишли чоралар қўрилмас, чиқинди ташлаш полигонларининг сони ҳам икки бараварга ортади, дегандир.

Ҳўш, полигон деганда кўз ўнгимизга нималар келади? Очиги, дастлаб тасаввуримизда бадбўй ҳид таралаётган инфекциялар ўчоги гадаланади. У санитария жиҳатидан қайта ишланмаган чиқинди тоғлари эмасми, бу ерда пайдо бўлаётган зарарли моддалар ер ости сувлорига қўшилиши, дайди хайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар инфекцияни ҳар томонга ташини, охир-оқибат жиддий экологик муаммоларни келтириб чиқариши мўҳаррап.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини кўтартиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб борилапти. Чунки чиқиндилардан иккиламчи хом ашё сифатида кейин-

чалик фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиб, турлари бўйича алоҳида-алоҳида тўпланса, у нафақат иқтисодий жиҳатдан фойдали, балки шаҳар ва қишлоқларимизнинг санитария ҳолатини яхшилашнинг ҳам муҳим омилдир.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, зарур топшириқлар берган эди.

Айтиш жоизки, мазкур ҳудудда йилга 400 минг тоннага яқин қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Уларни ташини учун махсус техника етишмаслиги ҳамда чиқиндиларни олиб кетиш жадвали ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида 600 та ноқонуний чиқиндиҳона ҳосил бўлган. Табиийки, улар экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Бундан ташқари, мавжуд 16 та полигон ҳам санитария талабларига жавоб бермаган, чиқиндиларни саралаш йўлга қўйилмаган эди.

— Республикаимиз бўйича 186 та чиқинди қўмиш полигон мавжуд бўлиб, уларга 33,4 миллион тонна чиқинди жойлаштирилган, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расиси ўринбосари Ойбек Аҳмадҷонов. — Чиқиндилар ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Бироқ уларнинг айрим турлари йиллаб, ҳатто ўнлаб йиллар давомида ҳам қўмиб йўқ бўлиб кетмайди. Кейинги пайтда одамлар ахлатларнинг экологияга зарарини камайтириш

ниятида уни ёқиб юборишга ҳаракат қилишяпти. Аммо бунинг оқибатида онкологик касалликларни келтириб чиқариш зарари моддалар ҳосил бўлишини кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Таъкидлаш керакки, чиқиндиларни утилизация қилиш соҳасида Фарб давлатларининг тажрибаси ибратли. Масалан, Европанинг қатор мамлакатларида бундай корхоналарга имтиёзли кредитлар ва солиқ тўловига энгилликлар тақдим этилади. Германия ва Швейцарияда чиқиндини саралаш устидан назорат олиб борувчи махсус хизмат мавжуд. Бу ташкилотлар ноқонуний чиқиндиҳоналар пайдо бўлишининг олдини олади, полигонларга жўнатилаётган чиқиндининг таркибини назорат қилади. Паркивардада ҳозирги пайтда Австрия, Германия, Бельгияда маиший чиқиндиларнинг 55 — 60 фоизи қайта ишланса, 25 — 35 фоизи термик шивов йўли билан утилизация қилинади.

Ортимизда ҳам қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизими тубдан ўзгаришмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан аниқ чора-тадбирлар тақдим қилинди. Жумладан, ушбу ҳужжатда қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация ва қайта ишлаш тизимини тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳамда тадбиркор-



ларнинг маблағлари ҳисобига ривожлантириш кўзда тутилган. Республикаимизнинг йирик шаҳарларида қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, утилизация ва қайта ишлашнинг бутун жараёнини камраб оладиган кластерларни яратиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ҳам катта аҳамиятга эга.

...Орадан ярим йил ҳам ўтмай, заводлар ишга туша бошлади. Булар қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, утилизация ва қайта ишлаш жараёнини бошидан охиригача бажарувчи замонавий кластерлардир. Лойиҳа доирасида 350 та махсус техника харид қилиниб, миңдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилгани диққатга сазовор.

Шуниси аҳамиятлики, лойиҳа ижросида тадбиркорлар ҳам иштирок этмоқда. Масалан, Бухородаги «Aholi Trans» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Насриддин Рашидов шулардан биридир. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун корхона 90 та махсус техника сотиб олди. Бундан ташқари, унинг ихтиёрида 20 гектар ер майдони ҳам бор.

— Бухорода 270 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, полигонларда тўпланган қаттиқ маиший чиқиндининг ҳажми эса деярли 300 минг тоннага етди, — дейди Н. Рашидов. — Ривожланган мамлакатларда чиқинди иккиламчи ишлаб чиқариш жараёни учун мақбул материал ҳисобланади. Айнан шу сабабли 2005 йилдаёқ бу ишга киришган эдик. Бироқ ўша вақтда фақат чиқиндини йиғиш ва қисман сараланиш ташкил эта олдик ҳолос. Бу эса унчалик ҳам самара бермади. Ҳозирги кунда давлатимиз эътибори ва қўллаб-қувватлаши тўғрисида бутун бир кластерни тўзишга эришдик. Ундаги чиқинди саралаш заводиди Хитойнинг «Beston» компанияси ишлаб чиқарилган технологик линия ўрнатилди. Қурилиш чиқинтиридан шлакоблок, елим идишлардан — синтетик тола, макулатурадан — картон ишлаб чиқарувчи цехлар ишга туширилди. 2018 йил охиригача яна бошқа цехлар ҳам ташкил этилади. Уларда полиэтилен пакетлар ёнилгига, қуриган барг ва новдлардан брикетга, органик чиқитлар чиринди ва биогазга айлантирилади. Лекин «Aholi Trans» олдидидаги энг асосий вазифа — шаҳарнинг 65 та маҳалласидан чиқиндини ўз вақтида олиб чиқиш. Бу сайёҳлик марказларидан бири бўлган Бухорода озодаликни, санитария жиҳатидан

барқарорлиқни таъминлашга ёрдам беради.

Заводнинг ўзидаги санитария ҳолатига келсак, бу ерда ҳар қуни иш тугагач, хоналар ва барча жиҳоз тўлиқ ювиб чиқилади ва дезинфекцияланади.

— Хитой ўз аҳолисининг сони, демакки, чиқиндилар ҳажми бўйича ҳам дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, — дейди «Beston» компанияси раҳбари Аб Цзянчэн. — Компанияимизнинг фаолияти аҳолиси кўп жойларда экологик барқарорлиқни таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган ускуналар ишлаб чиқаришдан иборат. Биз таклиф қилаётган замонавий технологик линиялар 14 турдаги чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаб, иккиламчи маҳсулот тайёрлаш, инсон саломатлиги ва ҳаёти учун хавфли моддаларни зарарсизлантириш имконини беради. Бугунги кунгача Филиппин, Бразилия, Россия, Италия, Ҳиндистон каби ўнлаб давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатдик. Ушбу йўналишда Ўзбекистон билан ҳам муносабатларни йўлга қўйганимиздан хурсандимиз. Технологик линияни йиғиш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва ишга ту-

ширишда фаол иштирок этдик. Умид қиламизки, кластер Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришга, санитария ҳолати ва экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

Навоий шаҳридаги «Техмакорлик» корхонаси раҳбари Арман Бердиев чиқинди йиғишда янгича усулни қўлади. Гап шундаки, 25 ёшли тадбиркор ахлат ташланмаган бакларни ер остига жойлаштиришга қарор қилди. Чунки улар кўпинча мактаблар, тиббиёт муассасаларига яқин жойда ва марказий қўчаларда қуриладиган чиқинди йиғиш шохобчаларида ноқулайлик келтириб чиқаради.

— Шу гоё туғилди уни рўёбга чиқариш кийришим, — дейди Арман. — Тезда чизмаларни чизиб, механизмни ишлаб чиқдик. Бизнес-режа тайёр бўлганида, давлатимиз раҳбари қарорига кўра, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш бўйича кластерлар яратилаётгани маълум бўлди. Тегишли ташкилотларда бундай долзарб лойиҳани амалга оширишда бизни қўллаб-қувватлашни айтишди. Бугунги кунда Навоий шаҳрининг асосий қисмида ер ости ахлат баклари ўрнатилди. Аҳолининг кўпчилиги ўз ҳудудиди ҳам шундай усулда сиғимлар ўрнатиб беришни сўрачяпти. Заводимизда, асосан, эҳтиёманд оилаларнинг вакиллари учун иш ўринлари ташкил қилаяпти. Ходимлар маошдан ташқари уч маҳал оватқ, тиббий хизмат билан таъминланган, ювиниш хоналари ҳам мавжуд.

Чиқиндини утилизациялаш кластерлари айни пайтда вилоятлардаги саккизта йирик шаҳарда фаолият кўрсатмоқда. Яқин келажакда бошқа корхоналар ҳам шу тажрибани қўллаб берилади. Зеро, соҳани ривожлантириш сазган тадбиркорларнинг айтишича, бу бизнесга қилинадиган ҳаракат нафақат даромад, балки ҳаёт учун қулай атроф-муҳит, тоза ҳаво ҳамда одамларнинг миннатдорлиги кўринишида тезда қайтади.

Дилбар БАҲОДИРОВА, Динара ЧИРКОВА.

РЕКЛАМА ҲАҚИДА

МЕРОС



Хар бир юрт, хар бир халқнинг тарихи, уларнинг ижтимоий, маънавий ҳаёти ҳақидаги аниқ маълумотларни билишда, ҳеч шубҳасиз, ёзма манбаларнинг ўрни беқийс...

маданий меросимиз намуналарини хар томонлама чуқур ўрганиб тадқиқ қилиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ҳамда цивилизацияси ривожига қўшган беқийс ҳиссасини юртимизда ҳам, хоризда ҳам тарғиб этиш кўрсатилган...

Халқ сўзи Народное слово ТАҒШЮБИГА

кўрсатган, хусусан, диёримизда илм-фан ва маданият гуркираб ривожланган IX — XII асрларда яшаб ижод қилган буюк алломаларимиз ҳамда мутафаккирларимиз ўз асарларини, асосан, ўша давр тақозосига кўра, араб тилида битганлар...

ТЕНГИ ЙЎҚ ХАЗИНА

Институтда етмиш беш мингдан ортиқ қўлёзма, тошбосма асарлар, тарихий ҳужжатлар билан бир қаторда, республикамиздаги бошқа илмий-маърифий муассасалар, музейларда сақланаётган ёзма ёдгорликлар, қўлёзма, тошбосма асарларни ҳам чуқур тадқиқ этиб, илмий-амалий муомалага киритишга алоҳида эътибор берилмаётир...

тавращия қилиниши лозим. Бинобарин, ҳужжатда айтишу масалага алоҳида эътибор берилиб, бу муҳим жараённи замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар ёрдамида амалга ошириш, ушбу соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш — ойлик ўш ҳақида 30 фоиз микдорда қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган...

да ҳам нашр этилиши, кенг қўламда илмий муомалага киритилиши асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган Сурхондарёдаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Қаршидаги Абу Муин Насафий илмий-тадқиқот маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентдаги Исом цивилизацияси маркази каби илмий муассасаларнинг ҳиссаси салмоқли бўлади, албатта.

Урни келганда яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Бундан минг йиллар олдин самарали фаолият да хам нашр этилиши, кенг қўламда илмий муомалага киритилиши асосий вазифалардан ҳисобланади.

Спорт



Кумушхоннинг олтини

Жанубий Кореянинг Янгу шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилаётган Осиё кубоги ҳамда клублар ўртасидаги қитъа чемпионати қизгин паллага кирди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этмоқда. Хусусан, делегациямиз ҳисобига навбатдаги олтин медални 77 килограммгача вазн тоифасида икtidорли спортчимиз Сарвар Таштемиров келтирди.

85 килограммгача бўлган иштирокчилар орасида эса Суннатилла Усаров кумуш, Фаизулло Набиев бронза медаллари билан тақдирланди.

Янги мураббий учун илк синов

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 14 ноябрь куни Бирлашган Араб Амириклари футболчиларига қарши сафарда ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Ушбу баҳсда жамоамизни илк бор Рўзикул Бердиев бош мураббий сифатида майдонга олиб чиқди.

Футболчиларимиз 10 ноябрь куни Тошкентда йиғинга киришди. Унга тақлиф этиладиганлар рўйхати мамлакат олий лигасининг 27-туридан кейин эълон қилинади.

Суннатилла ИСЛОМОВ таъйрлади.

Қадимий Кордовада Ўзбекистон ҳақида кўргазма

Шу кунларда Испаниянинг қадимий Кордова шаҳрида санъат мухлислари ўзбекистонлик таниқли фотожодкор Макс Пенсоннинг суратлари кўргазмасидан баҳраманд бўлишмоқда. Унда намойиш этилаётган асарларда ўзбек халқининг ўтган аср 20 — 40-йилларидаги ҳаёти ва меҳнат тарзи ҳамда бой анъаналари ўз аксини топган.



дунё нигоҳи

137 та ижодий ишдан иборат бўлган мазкур экспозиция Кордованинг тарихий мавзесида жойлашган "Vimcora" кўргазмалар залида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида шаҳар мэрининг ўринбосари Д. Луке, "Vimcora" директори А. Доблас, санъат ҳомийси, коллекциячи ва санъатшунос Р. Комачо ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

кўргазмаси ташкил этилгани халқларимизнинг янада яқинлашиши ҳамда бир-бирларини яхши тушунишларига кўмаклашди. Экспозициядан ўрин олган асарлар ҳақидаги фикрларини ўртоқлашар экан, "Vimcora" галереяси директори Аруада Доблас ижодкорнинг фотопероптажларида оддий одамлар — пахтакорлар, темирчилар, муаллим ва ишчилар акс этгани эътиборга моликлигини айтиди.

ЭЪЛОН

Advertisement for securika Caips, featuring a logo and text: "2017 йил 15 — 17 ноябрь Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ». КЎРИҚЛАШ, ХАВФСИЗЛИК ВА ЁНФИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ 9-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси www.caips.uz"

Хабар ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 7 ОКТЯБРДАН 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 7 октябрдаги 94-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи. 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-9 (2017 йил 11 октябрдан кучга кирди).

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қозғ бичими А—2, Баҳоси келишилган нархда.

ТАҚРИРГАТ БЎЛГАН ҚЎЛҲИМЛАР ТАҚДИР ҚИЛИНМАЙДАН ВА ҚЎЛҲИМГА ҚАЙТАРМАЙДАН. РЕДАКЦИЯ НАТИЖАЛАРИ УЧУН ТАҚДИРГАТ ЖАВОБГАР ЭМАС. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир — У. Файзилова. Набатчи — Р. Шеркулов. Мусаллах — Ш. Машраббоев.